



Characteristics Of Neologisms Created in The Epics of Independence

M. Kurbanova

Doctor of Philosophy (PhD) in Philology,

Senior Lecturer Sh. Nuriddinova,

F. Abdulhaeva.

Uzbekistan, Fergana

Мустақиллик Даври Достонларида Яратилган Неологизмларнинг Ўзига Хос Хусусиятлари

М.Курбонова филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта ўқитувчи
Ш.Нуриддинова, Ф. Абдулхаева.

Узбекистан, Фергана.

ABSTRACT

The given article is devoted to lingvopoetik research of the poems of the period of Independence. The Independence periods poems are analysed linguistically and literarily. The specific feature of neologisms of Independence period are revealed.

ARTICLE INFO

Received: 20th December 2021

Revised: 20th January 2022

Accepted: 24th February 2022

KEY WORDS

Lingvopoetik, Poems, Period Of Independence, Analysed, Linguistically, Literarily, Spesfic , Neologisms.

Аннотация: Мазкур мақолада мустақиллик даври достонларида достоннавис ижодкорларнинг неологизмлар яратиш маҳорати, ўзига хос услуби ва ушбу бадий воситаларнинг муҳим аҳамияти ҳакида фикр юритилади.

Аннотация: Данная статья посвящена лингвопоэтических исследований узбекских поэм периода Независимости. Анализируются поэмы периода Независимости с лингвистической и литературной точки зрения. Особенности неологизмов периода Независимости исследуются в статье.

Таянч сўз ва иборалар: Мустақиллик, достон, лингвопоэтика, неологизм, маҳорат, индивидуаллик, бетакрорлик, мазмуний бирлик, ботин, зоҳир.

Ключевые слова и выражения: Независимость, лингвопоэтика, неологизмы, особенность, неповторимость, поэтические средства, своеобразие, семантические единицы, поэтический индивидуализм.

Вақт ўтиши, давр ва замоннинг аста-секинлик билан ўзгариб бориши, жамиятнинг барча соҳаларидаги туб ўзгаришлар, фан-техника ютуқлари, ижтимоий муносабатлар кишилар ҳәтидаги тинимсиз маданий ва маънавий ўзгаришлар янги тушунча ва сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши барчамизга аён. Янги сўзлар – неологизмлар қатлами янги сўз ясаш, сўзниг лексик маъноларидан бирини янги маънода қўллаш ёки четдан ўзлаштирилган сўзлар хисобига бойиб боради. Ушбу неологизмлар, бошқача қилиб айтганда – оккозионализмлар, номинатив функция бажариши билан бирга бадиий адабиётда ўзига хос муайян услубий мақсадда ҳам қўлланилиши кузатилади. “Катта таъсир ва тасвир кучига эга бўлган индивидуал нутқ неологизмлари” ижодкор тамонидан кафш қилинган янги сўзлар бўлиб, бадиий асарни янги рух, янгича шукуҳ билан бойитишга хизмат қиласди. Ҳар бир ёзувчи ва шоирнинг ўзига хос услуби, ўзига хос поэтизм ва индивидуализми бўлгани каби, ана шу хусусиятлар замирида яратилган янги сўзлар, яъни оккозионализмлар бадиий асар эстетик қимматини белгилашда муҳим ўринни эгаллади. Оккозионализмлар ҳар қандай бадиий асар тилига эмоционаллик ва экспрессив рух бағишлиш билан биргалиқда, ижодкорнинг адабий тил хазинасига қўшган муносаби ҳиссаси ҳамдир.” Бадиий асарнинг маъно-мазмун тузилишига сўз ва ибораларнинг турли-туман қўшимча маънолар билан бойиш тамоили хосдир”. Бадиий асарларда кафш этилган янги сўзлар замирида яширган тагмано ижодкорнинг юксак маҳоратидан далолатдир. Сўзниг янги маъно қирраларини очиш, унинг таъсирчанлик ва бўёқдорлик қўламини кенгайтириш ижодкордан кучли маҳорат, билим ва иқтидор талаб қиласди. Жамият ривожи, объектив борлиқ ва табиатдаги ўзгаришлар, улар ҳақида кишилар тасаввури ва тушунчасининг бойиши, инсоният илмий, маънавий ва маданий тафаккурининг камол топа бориши янги сўз, янги термин ва ибораларга эҳтиёж туғдирувчи асосий омиллардир. Мана шу эҳтиёжни қондириш учун тилда янги сўзлар юзага чиқади. Янги сўз, яъни сўзниг янгилиги адабий тил ривожининг муайян даврдаги ҳолатига нисбатан белгиланади. Янги сўз биринчи дуч келган кишига, айниқса, эски тил лексик меъёри билан таниш кекса авлодга ғайри табиийдек туюлади. Бу ҳол адабиётшуносликда идиосинкразия деб юритилади. Фофур Ғуломнинг “Шум бола” асарида худди шундай ҳолатни кузатишимиш мумкин: “Николаю фаранг бир томон, Гермон деган бир томон; тоза уришаётган эмиш. Айниқса, ўрмаловчи бир тўп чиқарган эмиш, бу тўпи аждар наслидан эмиш”. Ижодкорлар баъзан ўzlари индивидуал нутқ неологизмларини ҳам яратадилар. Индивидуал нутқ неологизмлари алоҳида адиллар, шахслар томонидан яратилган сўзлардир. Бундай сўзлар окказионал сўзлар деб ҳам аталади. Шу кунгача Абдулла Қаҳхор, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Фофур Ғулом, Ойбек каби таникли адилларимизнинг сўз ясаш маҳоратлари таҳлил ва талқин этилган. Янги сўзларнинг стилистик бўёқдорлик хусусиятга эга эканлиги неологизмлар имкониятининг нақадар кенглигидан далолат беради. Бундай индивидуал неологизмларнинг ҳозирги давр шеърияти вакиллари ижодида ҳам кўплаб учратишимиш мумкин. Мустақиллик даврида яратилган достонларда ҳам шу каби индивидуал нутқ неологизмларига дуч келамиз:

Сиз аскардан аямангиз молу дунёни,

Сујргамиш беринг унга,

Унвонлар беринг.

Шоир ифоданинг бадиий қимматини, жарангдорлигини ошириш, образлиликини таъминлаш мақсадида “совға”, “мукофот” каби мазмуний бирликларни қўллаш ўрнига янги “сујргамиш” сўзини қўллашга ҳаракат қилган. Сујргамиш лексемаси суюнтириш, суюкли қилиш(тарих.сўз.) маъноларини англатса-да, шоир бу ерда, асосан , совға эмас балки мукофот семасига ишора қилинади.

Машваратга мутакаллиф бўлган зотлардан

Асли шомлик ёш бир олим Ибн Арабшоҳ,

Гапимизни тасдиқ этса ажаб эмасдир.

Бу ерда ижодкор форс тилидаги олд қўшимча -му ни (тарих.сўз)такаллиф лексемасига қўшиш орқали янги сўз ясашга эришган. Бизнингча, ижодкор бу ерда янги мутакаллиф сўзининг “таклиф этишга лойиқ инсон” семасига ишора қилган ҳолда тарихий шахс, етук олим Ибн Арабшоҳга нисбатан бўлган ҳурматининг ифодаси сифатида ўринли қўллайди. Ушбу сўз давр руҳини ифодалаш омили сифатида намоён бўлишини ҳам ёддан чиқармаслигимиз керак.

Икки тилдош,
Икки диндош битта турк қавми
Олишсалар,
Талашсалар номус эмасми?

Бу ерда эса А.Орипов *диндош* сўзига кофиядош сўз қўллашдан кўра диндош сўзига кофиядош бўла олган янги сўз “тилдош” лексемасини кашф қилган. Аслида бадий тилимиз мөъёрига бундай сўз тўғри келмайди. Демак, ижодкор ўз фикрини аниқ билдириш мақсадида, ушбу бадий матн доирасида, -*дош* қўшимчаси (аффикси) ёрдамида янги (тилдош) индивидуал ясама сўз ҳосил қиласди.

Биз маънавий ташкилотмиз, Ранжкоммиз яъни
Ўзгаларни ранжитмоқлик бизнинг ишимиз.

Собиқ иттифоқ даврида рус тилидан ўзбек тилига кўплаб қисқартма сўзлар ҳам кириб келган ва ўзлашган. Масалан, учком, военком, класком, комсорг, горком, роддом кабилар шулар жумласидандир. Бу ерда эса ижодкор *ранж* лексемасига *ком* қисқартма(ўзлашма) сўзини қўшиш орқали янги “ранжком” сўзини кашф қиласди. Ушбу неологизм достон қаҳрамонларининг салбий хусусиятларини очиб беришга хизмат қиласди. “Ранжком” неологизмининг бу ерда сатирик хусусиятга эга эканлигини ҳам кўрсатишими мумкин.

Давлат асло таваккалнинг меваси эмас,
У раийят,
Яъни халқнинг ғуж иродаси.
Мўл ҳазина
Енгилмас лашкар.

Ушбу ифодада ҳам ижодкор моҳирлик билан мазмуний бирликлар ёрдамида кашф қилган неологизмларга дуч келамиз. Бунда таваккалнинг меваси, ғуж ирова каби сўз бирликлари достон асосий қаҳрамонининг давлатга муносабати, давлат тўғрисидаги фикрлари, унга бўлган муносабатини ифодалашга хизмат қиласди. Бу ерда , Амир Темур ушбу соҳада таваккалчиликка йўл қўйиб бўлмаслиги, давлат бошқарувида, асосан, халқнинг бирдамлиги, мустаҳкам иродаси муҳимлиги ҳақидаги фикрларини акс эттириш учун яратилган янги сўз бирликлари, яъни оккозионализмларда ўз хос рол ўйнайди. Ушбу янги сўзлар замирида Амир Темурнинг давлатни бошқариш ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ўз тавсиф ва талқинини топган. Таниқли шоира Ойдин Ҳожиева яратган мустақиллик даври достонларида ҳам ўзига хос неологизмларни учратишими мумкин.

Бу соchlар бандига искандарпечон
Гулидай чирмашур ошиқ қалб ёмон.
Хижрон қилич солар - ногоҳ беомон,
Рух учар, сих қотиб қолар икки жон.

Шоира бу ерда Искандар(Тарихий шахс) сўзига печон сўзини қўшиш орқали искандарпечон сўзини ясаш билан шу икки сўз маъноларини бирлаштириб, янги маъно кашф қиласди. Бунда Искандарпечон сўзидаги Искандар сўзи тагзамирида ётган “куч, кудрат, буюклик” ва печон сўзи замиридаги “буралмоқ, ўралмоқ” маъноларини ўзаро бирлаштириб янги маъно кашф қилинганилигини кўрсатиш мумкин. Оккозионал сўзлар, асосан, маъно кучайтириш ва яна ифоданинг бадий эстетик қимматида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу бадий матнда Искандарпечон неологизмининг, бизнингча, мустаҳкам ўралганлик, яъни “енгиб бўлмаслик” асосий тагмаъно, яън ички семантикасига ишора қилинади

Донғил оғаларим шижаат- шаҳди,
Хар лаҳза ақлимдан сўрайди достон.
Отамнинг ҳар баҳор эккан дараҳти-
Гуллаб, мева туғиб чорлаган Бўстон.

Ушбу ифодадаги донғил сўзи ҳам шоирнинг сўз қўллашдаги ўзига хос янгича услуби, яъни янгича ижод маҳсули бўлиб, ушбу сўз донг лексемасига қадимги – ғил қўшимчасини қўшиш орқали

хосил қилинган. Бу ерда шоира донғил сўзининг, асосан, “машҳурлик” ички, яъни янги сўз бағрига яширинган тагмаъносига ишора қиласи. Донғил неологизми ифодада маъно кучайтириш билан бирга унга кўтаринки рух бағишлайди, бадий эстетик қимматини оширади. Ушбу кўтаринки кайфиятга ижодкорнинг эзгулиқ, инсонийлик, қадр ҳақидаги беғубор туйғулари уйғунлашиб, натижада ўта гўзал, жозибадор ва бетакрор сатрлар яралади.

Юқоридаги таҳлилимиздан кўринадики, неологизмлар мустақиллик даврида яратилган достонларда ҳам ўзига хос ўрин тутиб, достонларга мусиқийлик, ёқимлилик, оҳангдорлик бағишилаш, шунингдек, маънени кучайтиришда, образли тасвирлар яратишда муҳим омил бўла олади. Бундан ташқари неологизмлар, асосан, индивидуаллик касб этиши билан мустақиллик даври достонларида ҳам ижодкорларни ўзига хос маҳоратидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даври достонларида ҳам, гарчи кам учрашига қарамай, ўзига хос индивидуал неологизмлар, яъни оккозионал сўзлар, уларнинг янги ички ва ташқи маънолари, ушбу мазманий бирликларнинг бадий матн бағрида, айнан, “янги уйғониш даври достонларида” янгича маъно турлари кашф этилди. Бу эса мустақиллик даврида ҳам бадий етук ва таъсирчан, тарихий, ватанпарварлик, инсонийлик ҳамда ишқий мавзулардаги достонларнинг яратилишида ўзига хос муҳим омил бўла олди.

Адабиётлар:

1. Виноградов В.В. О языке художественной литературы.-М.,1959.
2. Григорьев В.П. Поэтика слова.-М.,1979.
3. Каримов С.А.Ўзбек тилининг бадий услуби.Филол.
4. фанлари док....дисс.автореф.-Т.,1993.
5. 4.Ҳожиахмедов А. Мумтоз бадиият маҳорати.-Т.:Шарқ, 1999.
6. 5.Шомақсұдов А., ...Ўзбек тили стилистикаси-Т.:Уқитувчи, 1983.
7. 6.Н.Махмудов., Нутқ маданияти.-Т.:Фан,2008.